

АДҲАМ ДАМИН



ТЕНТАККА
САЛОМ БЕРДИМ...

16+

АДХАМ ДАМИН

**ТЕНТАККА
САЛОМ
БЕРДИМ...**

**Ҳажвий қисса, хикоялар,
ҳажвиялар, сочмалар**



„О‘ҚИТУВЧИ“
НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 821.512.133-7

КБК 84(5Ў)6

Д18

Адхам Даминнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тўпламида унинг дастлабки ҳажвий қиссаси, ҳикоялари, ҳажвиялари, сочмалари жамланган.

Ёзувчи ҳикояларида инсон руҳиятининг турли манзараларини, кўнгил дарди бўлмиш муҳаббатнинг нозик туғёнларини ўзига хос тарзда тилга олган. Ҳажвияларда ҳаётда гоҳ-гоҳ учраб турадиган кизик-қизик воқеаларни фарғоналикларга хос енгил кулги ва киноя ҳамда ҳажв тиғи билан омикталаб, турли инсонлар характерларини ажойиб тарзда очиб берган.

Ҳажвий қиссада тилга олинган воқеаларни ўқиб ҳам куласиз, ҳам қаҳрамон дуч келган муаммоларни кўриб ўйга толасиз.

Адибнинг ушбу тўплами кулги мухлисларини ва кўплаб китобсеварларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамыз.

ИЖОДДАГИ БАХТ-ОМАД СИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!

Адхам Даминнинг роман ва қиссалари, ҳикоя ва ҳажвияларини анча кечикиб ўқидим. Қирқ йил давомида бадий ижод соҳасида бетиним изланиб топганлари мени кувонтирди. Сўнгги пайтда ёзганлари орасида „Тентакка салом бердим“ ҳажвий-юмористик қиссаси мени каттик ҳаяжонга солди.

Ёзувчининг ижоддаги бахти, омади шундаки, унинг битиклари орасида „Тентакка салом бердим...“дек ноёб бадий кашфиёти бор! Уни ушбу асари билан чин дилдан табриклайман! Ушбу асарда айти шу кунлардаги ҳаёт ҳақиқати қаламга олингани мени қаттиқ тўлқинлантирди.

Умуман, ёзувчининг барча асарларида ҳажв, юмор, фарғонача ҳазил-мутойибага мойиллик азалдан бор. Муаллифнинг икки жилдли „Сайланма“сининг иккинчи китобидан ҳажвий ҳикоялар туркуми ҳам ўрин олган. Юқорида тилга олинган қисса ўша туркумда намоён бўлган ижодий тажрибаларининг хулосаси, аниқроқ қилиб айтганда, чўккисидир!

Тўғриси, Саид Аҳмад, Неймат Аминов, Худойберди Тўхтабоевлардан кейин ҳажвий насримизда воқеа бўладиган йирикроқ асар йўқ ҳисоби эди. Камина кўпдан бери орзу қилган шундай асарни – „Тентакка салом бердим...“ ҳажвий-юмористик қиссани яратишдек бахт-омад Адҳам Даминга насб этибди. Уни ана шундай кашфиёти билан кутлайман!

Аввало, асар номи унинг руҳи, мазмун-моҳиятига ниҳоятда мос.

Асар қаҳрамони ўзимизнинг фарғоналик Йўлдош Кўлдош аслида ҳалол, беғубор, чин истеъдод соҳиби, ҳам журналист, ҳам бадий ижод бобида ўзгалар – тенгдошларидан сира кам жойи йўқ. У табиатан кўнгли очик, сахий, ишонувчан кимса. Унинг бошидан кечган ғаройиб саргузашт – хангомаларни ўқиб, бир томондан, қах-қах отиб куласиз, иккинчи томондан, унинг ночор ҳолига ачинасиз, айти пайтда ҳозирги адабий жараёндаги қалтис-жиддий муаммолар устида ўйга толасиз. Ёзувчи зоти не-не машаққатлар чекиб ёзган асарини нашр эттириш, уларни ўқувчига етказиш йўлида сарсон-саргардонликлардан боши чикмаса,

айникса. бизнинг кадрдонимиз Йўлдош Қўлдошга ўхшаш чин истеъдод соҳиблари бозор одамига айланолмай, ҳар кадамда қовун тушириб, одамларга кулги бўлса!..

Ижодкор ҳаётда кетма-кет қовун туширавериб, тотув оиласини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди!

„Тентакка салом бердим...“ айни шу фазилатлари орқали ўқувчилар, энг муҳими, сизу биздек адабиёт, ижод ахли учун ниҳоятда таниш ва қадрлидир.

Асарни ўқиб чиқиб сиз ҳам бунга амин бўласиз, деган умиддаман.

Тўпладан жой олган ҳикоя, ҳажвия ва сочмалар ҳам ўзига хос ажойиб тарзда битилган. „Баҳор кунларида“, „Кайфият“ сингари ҳикояларда турмуш ташвишлари бир зум бўлса-да, четга сурилиб, болалик ўй-хаёллари кўнгили кечинмалари – инсон руҳияти манзаралари тасвирланган, „Илинж“, „Қора қўйлак“, „Елкадаги юк“, „Ўқилмаган мактуб“ ҳикоялари қаҳрамонлари виждон азобида кийналган, қалб амрига қарши бориб, оқибатда изтиробга тушган одамлар тимсолида ёрқин бўёқларда ифодаланган.

Ҳажвиялар ҳам беғубор кулгига йўғрилган, улар, айниқса, халқона тилда ёзилгани туфайли китобхон эътиборини тортади.

Турмушда учраб турадиган турли ҳодисалар, ҳаёт ҳақиқатлари, кўнгили кечинмалари асосида ёзилган сочмалар қисқа ва лўндалиги, ибратли хулосалари орқали ўқишлидир.

Ёзувчи услубининг самимий ва раволиги, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ҳаётлиги билан мазкур китоб ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Умарали НОРМАТОВ,
*филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат
арбоби, адабиётшунос.*

ТЕНТАККА САЛОМ БЕРДИМ...

(Ҳажвий қисса)

I

ДЕБОЧА

Эркак киши бўлиб мен сизга сўнги пайтларда бошимга тушганларни айтсам сиз ё ишонасиз, ё ишонмайсиз, аммо ҳар икки ҳолда ҳам устимдан мириқиб кулишингиз тайин. Майли, кулсангиз кула қолинг. Балки мен бечоранинг бошига тушган қутилмаган саргузаштлардан умрингиз узаяр.

Булар келиб-келиб хумкалла, ошқовокқорин, бадковок Шерали ёхуд хўппа семиз, устакўполдек ғўламисол Эрали қолиб, бемаврид менгина бечоранинг бошига тушганига ўлайми, қолайми? Билмайман, айбим нимада, бўз ерларга шўр улашган Худойим тақсимот бизнинг пешанага егганда жа ҳиммат кўрсатворган шекилли. Ахир тепадан шундай амри фармон бўлиб тургач, мен банди оғиз нима ҳам қила олардим, кўргилик-да, берганингга шукур деб чидаймиз-да, шўримга тушган шилдир шўрвани алам-ла сипқарганча.

Ҳаммасига бошдан-бош ўша „машъум кун“ биргина хикоямни ўз газетасида босилганини айтган оғайнимнинг кўнғироғи сабаб бўлди. У хикоямга қалам ҳақи борлигини суюнчилади. Хушхабардан хаёлан қушдай осмонга кўтарилдим, паға-паға оппок булутлар кучоғида гўё чиройли қанотларимни силкитиб уча кетдим. Бундай ҳаволаниб учишлар дарёда балиқдек сузишдан минг чандон ҳузурли, ахир думалок ер пастда – қанотларингу нигоҳларинг остида қолади-да. Аслида-ку, салга кучайиб, ҳаволанмай ерда юраверган яхши-ю, лекин бу ижод қурмағурнинг мана шунақа дилни китиклаб осмонга элтувчи васвасаси бор-да. Сирасини айтганда, ўша бевафо „гонорар“ни бирорга ижодкор ўзига дўст билмайди. У, ўйнаш хотиндай бир гап, у ҳеч кимга, ҳатто ўзини аллома санаган мухбири мухбирваччаларга ҳам,

хом-хатала асар ёзиб, „Классикман, пишган ковунни бандидан уздим“, деб юрган чаламулла ёзғувчиларга ҳам „вафо“ қилмаган. Ё вафо қилганини кўрганмисиз? Ёки бирорта ёзувчини нафақага чиккунча ёзганига олганидан бойиб кетганини эшитганмисиз? Буни сиз билмасангиз, мана, биз – ёзувчи аҳли – яхшигина биламиз. Бироқ билсак-да, ёзаверамиз-ёзаверамиз. Ўша арзимас қалам ҳақидан ҳам воз кечолмаймиз. Ўзи-ку кўзни чирт юмиб унинг баҳридан ўтиб қўя қолган ҳам афзал, ахир у чўнтакка киргач, етим жўжадай ўзингникини ҳам эргаштириб кетади, ўн минг бўлса, ўнга ошириб...

Шундай куйиниб юрганларнинг кўпини кўрганман, йиғламсираганча зорланиб сўзлаганларини ўз кулоқларим билан эшитганман. Шуни билсам-да, барибир қалам ҳақининг дараги чиккан захоти хали уни олмасдан икки кун бурун улфат кидиришга тушиб кетаман. Бу – шунчаки одат эмас, қисмат. Аслида қалам ҳақи пластик карточкадаги пулга ўхшайди, худди осмондан тушгандек тугагунча бош қотирмай ишлатаверасан, ишлатаверасан, тугагач, эҳ аттанг, дея қотган бошни афсусланганча чангаллаб қолаверасан. Менам шунака: тўйса очарини ўйламайдиган ижодкорларданман. Асли ўша „бевафо“га яқинлашмасликни ўйлайман-у, лекин унинг тангасиниям баҳридан ўтолмайман... Ахир у – пешана тери-да... Шундай бўлгач, ижодкорнинг суянчиғи, овунчоғи, тирговучи деб улуғланган қалам ҳақини оламан-да. Чунки сўлакмоннинг сўккисидай килиб қўл қўйгач, бировга бериб кўярмидинг.

Уф-ф, кечирасиз, гапни чўзиброк юбордимми? (Буни қалам ҳақи илинжига йўйманг.)

Хуллас, ўша кунни уйдан чиқишда тишимнинг қавагида асраб юрган юз мингни ҳам олволдим. Алҳол қалам ҳақида вафо йўқ, уйга келиши гумон. Уйдан олволганим дадиллик учун, ёнингда пул турса, бел баккуват, тил бурро, тутилмай дангал гапирасан, шахдам-шахдам кадам ташлайсан. Иложи бўлса, уни ишлатмайман!..

Юз минг сўм қалам ҳақини олиб, чўнтакка солиб, миззатеракдай серрайиб, танамга сиғмай, газета ҳисоб-

хонасидан чиқдим. Ҳар ҳолда олган пулимга ҳозирги кунда осмондаги ойни олиб бўлмаса-да, ўз танамда яй-райман. Яхши тўлашибди. Ўзи ҳикоям ҳам зўр эди-да. Барака топишсин талантни кадрига етганлар. Ўша га-зетада ишловчи ошнамнинг ҳам вақти келганда оғзини ёғлаб кўяман. Биз биров қилган унча-мунча яхшилиқни унутиб кетадиганлардан эмасмиз... Фарғоналикман-а!

Ўзимча турли режалар гирдобиди айланаман. Олган пулимни уй тўловларига ишлатсаммикан ёки бозор-га тушиб хотинимнинг пичинглари қасдма-қасдига уйга бир кило эмас, икки кило гўшт кўтариб шаҳан-шоҳдай гердаиб кириб борсаммикан? Чексиз ўйлардан чекли қарорга келолмайман. Азалдан одатим шунақа: сал хардамхаёлман! Шу пайт кўнглимда янги ўйлар ғимирлаб қолди. Ўзи асли ижодкор деганларнинг кўнгли дарвозаси йўқ ховлидай ҳамиша очикки, тумтарақ ўй-лар бесўроқ кириб чиқаверади. Аввалига шу сафар ка-лам ҳақи дарагини ҳеч кимга айтмайман, деб ичимда минг қасам ичгандим, аммо аста кийиниб уйдан чиқа-ётганимни кўриб хотиним муғамбирона гап ташлаганда беихтиёр мактанчоқлигим гутиб, гуллаб кўйдим.

– Ҳмм, тийинигача бузмай уйга опкелинг! Отам замо-нидан бери музлатгич хувуллаб ётибди, эшигини очсанг одамни ютворамадан дейди. Кўшнилardan олган арзимас қарзни икки ойдан бери узолмайман. Уларни кўрсам, уятдан ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам, дейман. Уйда на шакар, на қанд, ҳатто кирсовун қолмабди. Сизам бундок эркак бўлиб...

„Отам замонидан“ эмиш. Жа олади-да, хотинчамиз. Кечагина музлатгич ҳамма нарсага лик тўла эди... Ба-рибир ўзимни ҳам чув туширганимни дарҳол англадим. Эҳ, хомкалла, хомкалла, қачон пишасан, қачон?..

– Хўп, хўп, хотинжон. Сен нима десанг – шу. Ахир сендай доно хотиннинг гапига кирмай ўлибманми? Қарз ёмон нарса! Музлатгичнинг бўшлиги ундан-да ёмон. Кирсовуннинг қолмагани – улкан фожиа! Бунақаси кет-майди! Ойлигини икки қўллаб келтириб берадиган одам шу арзимас қалам ҳақини қаерга ҳам оборарди...

– Кўрамиз! – деди хотиним кошларини ёқимсиз ёйиб, сўзларимга ишонқирамай.

– Кўрасан! Албатта, кўрасан! – дедим мен.

– Ҳа, кўп кўрганмиз, оғзингизнинг елини ҳавога со-
вурилишини.

Гапни чўзмай кўчага чиқдим.

Аммо-лекин мана шу мену хотин ўртасидаги „диалог“ барча кўргиликларнинг дебочаси эканлигини қаердан ҳам билиб ўтирибман. Авлиёмидим? Айтдим-ку, „хомкалла“ деб! Сир тутмас аҳмоқ бош! Ўнг кўлим ўрта бармоғини бошимга чертиб-чертиб кўяман. Хом ошқо-воқдан қайтгандек бўғик „так-тук“ овоз чиқади. Ошқо-воққалла! Хотинга сир айтган ўзим ғирт тентак! Нега-ям айтдим-а, ўлган илоннинг бошини кўзғаб. Ахир илон ўлса-да, захари ўлмайди-ку. Жуда кўнглим эриса, „сюрприз“ қила қолмайманми? „Сюрприз“миш – умримда қилмаган иш. Э, хотин зотига суюлиб, мактанмай мен ўлай... Энди хотиннинг айтганини қилмасам бўлмасов?..

Ўзи бора-бора, ёши ўтгач, одам тошбағир тафтишчи-га ўхшаб коларкан...

II

ЧЎНТАКДАН ЧИҚҚАН ЎТИРИШ

Ўйлардан бошим ғовлаб, газегалар мажмуаси ёнидаги журналистлар йиғилиб, гурунглашадиган чоғроқ қаҳвахона томон умидвор қарай-қарай, ютинганча аста узоқлашаётгандим, кутилмаганда рўпарамдан „Мушгум“да ишлайдиган укахоним шоири Даврон чиқиб колса бўладими. Қўлида рангдор журналнинг янги сони.

– Э, ака, бормисиз? Хизрни йўқласам бўларкан, – деди у гиржайиб ўттиз иккита тишини намоиш этганча.

– Ўзимди акам-эй. Қайларда юрибсиз? Ҳажвиялар ташаб кетасиз-у, уларнинг тақдирини суриштирайсиз. Шу одатингиз чаток-да. Бишсангиз, сиз учун зўр оламшумул янгилик бор.

– Йўғ-э, қанақа янгилик?

– Мана шу кўлимдаги журналнинг янги сониди сиз-

нинг аёлларга бағишлаб ёзган ҳажвиянгишни чиқардик. Хўп ажойиб ёзасиз-да. Қойилмаком қилиб... Қотириб... Бош муҳарриримизгаям роса ёқди. „Яна ёзганларидан опкесин“, деди. Манг, бу сизга, – у қувнок кайфиятда журнални менга узатди.

Шошиб уни варақлай бошладим.

– 13-бетда. Бунисидан ўқсиманг, совуқроқ ракам-у...

Топдим. „Шоир акажоним-ей, шоир акажон ёхуд аёлларга бағишлов“ деган сарлавҳаси узунгина ҳажвий ҳикоям нақд икки саҳифани эгаллаб, Худоёрхоннинг канизагидек ёйилиб ётиб олганини кўриб, шодликдан ҳушдан кетай дедим. Кўзларимдан қувонч ёшлари тўкилди. Мехнатнинг, ижоднинг севинч ёшлари... Ахир „Муштум“дек отахон журналда чиқиш ҳазилакам нарсамас. Қачонлардир унда Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Ғулом, Саид Аҳмад, Саъдулла Сиёев, Неъмат Аминлар қалам сурган, жавлон урган. Шуни эслаб, қувончдан намли кўзларим қулиб, оғзим қулоғимга етгудек бўлди ҳамки, тилимга бир гап келмайди. Унсиз шоири Давронни кучоқладим. Кейин гап ҳам келди.

– Раҳмат, ука, умриндан барака топ! Бошлабсан. Биз – қарз. Ўзи бугун менинг куним тукқанга ўхшайди.

– Бахайр, ака, яна нима гап? – унинг кўзлари меникidan-да баттар қулиб, нимадандир умидвордек, менга қаттиқ тикилди. Маъносини ўқдим. Ичимда ёнимдаги қалам ҳақининг парвозга шайланган қушчага айланаётганини аниқ пайкадим. Омонат „қушча“ гўё шоири Давронни кўриб осмону фалакни қўмсаяпти. Учирмасам-чи? Ўзимни босишга беҳуда уриндим. Кўлимдан келмади.

– Яқинда битта газетада ҳикоям чиққанди. Ҳозиргина қалам ҳақини олдим.

– Ў-ўў, боядан бери шуни айтмасдан нега жим турибсиз? Ўқигандим. Барибир зўрсиз, ака.

– Сенданамми?

– Менданам!

Мактаниб – янглишганимни англадим. Аммо энди кеч эди. Қолаверса, ўзим ҳам битта улфат истаб турмаганмидим...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4713> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4713> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4713>